



# UZACADEMIA

**ILMIY-USLUBIY JURNALI**

**НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ**

**SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL**





**“ACADEMIA SCIENCE” ILMYIY-TADQIQOTLAR MARKAZI**

# **UZACADEMIA**

**ILMY-USLUBIY JURNALI  
НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ  
SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL**

**BARCHA SOHALAR BO‘YICHA**

**2-JILD**

**Google Scholar**

**ICI WORLD of JOURNALS**

**[www.academiascience.uz](http://www.academiascience.uz)**



Volume 1. Issue 1. July 2020

**TAHRIRIYAT**

**Editor in chief**

Eshmatov Gayratjon Marupovich

**Executive Secretary**

Ravshanjon Abdullayev

*He is a history teacher at Baghdad District*

*8 Secondary School*

**Preparing for publishing**

Khalikov Mukhriddin Tavakkaljon ugli

*Fergana State University*

**Bosh muharrir**

Eshmatov G'ayratjon Ma'rupovich

**Mas'ul kotib**

Ravshanjon Abdullayev

*Bag'dod tumani 8-umumiy o'rta ta'lim maktabi tarix fani o'qituvchisi*

**Nashrga tayyorlovchi**

Holiqov Muhridin Tavakkaljon o'g'li

*Farg'ona davlat universiteti*

**TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI**

**Sultonali Mannopov**

*O'zbekiston xalq artisti, professor*

**Eshmetov Izzat Do'simbatovich**

*O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi,*

*texnika fanlari doktori, professor*

**Matibaev Taspolat Baltabaevich**

*Sotsiologiya fanlari doktori (DSc), Professor, Turon FA Akademik*

**Abdullayev Muzrobjon Gulamovich**

*Andijon davlat universiteti, professor*

**Akramova Shahnoza Abrorovna**

*Milliy gvardiya Xarbiy-texnika instituti Psixologiya va pedagogika kafedrasini*

*mudiri, Pedagogika fanlari doktori, dotsent*

**Arslanov Sharafutdin Sultanovich**

*kimyo fanlari doktori, professor*

**Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna**

*Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

**Oripov O'rolboy Ahmedovich**

*Navoiy davlat pedagogika instituti, PhD*

**Fazliyeva Zebo Kamarbekovna**

*O'zbekiston davlat Xoreografiya Akademiyasi, dotsent*

**Azimov Baxtiyor Ganievich**

*O'zbekiston davlat konservatoriyasi, Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*

**Xusanova Xayriniso Tayirovna**

*O'zMU, sotsiologiya fanlari nomzodi, dotsent*

**Smaylova Gulmari Yuldashevna**

*QRXTHQTMO hududiy markazi, dotsent*

**Otaqulov Fozil Sobirovich**

*FarDU bo'lim boshlig'i*

**Popov Dmitriy Vladimirovich**

*Andijon mashinasozlik instituti, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori*

*(PhD)*

**Raximova Gulchaxra Sobirjonovna**

*Qo'qon davlat pedagogika instituti, PhD*

**Umarova Maxliyo Yunusovna**

*O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti, f.f.n, dotsent*

**Ismoilova Muhayyo Qozoqboyevna**

*Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti,*

*filologiya fanlari nomzodi*

**Toshtemirov Otabek Abidovich**

*Farg'ona politexnika instituti*

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

1.	Husanova Munisa Abdurahim qizi CHET TILINI O'RGANISHDA TINGLAB TUSHUNISH KO'NIKMASINI HOSIL QILISHDA DUCH KELADIGAN QIYINCHILIKLAR	9
2.	Mamarasulova Dilmurodxon Adahamjonovna XX ASR O'ZBEK QISSACHILIGIDA "SHUM BOLA" OBRAZI. (G'afur G'ulom "Shum bola" asari misolida)	12
3.	Xайитгул Музаффарова, Отабек Исматуллаев БАДИЙ АДАБИЁТ - БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИРИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА	14
4.	I.I.Abdulloeva, G.I.Turmatova, J.SH.Yormamatov TA'LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	18
5.	Boboyorov Sardor Uchqun o'g'li KORONAVIRUSNINGKELIB CHIQISH TARIXI.YANGI KORONAVIRUS (COVID-19) HAQIDA QARASH VA FARAZLAR, ULARNI DAVOLASH BO'YICHA TAHLILLAR	22
6.	Палуаниязова Наргиза Сапарниязовна, Абдуллаева Барно Атабековна, Сапаева Замира Шавкатовна ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ НИЗКОТЕМПЕРАТУРНОЙ ОБРАБОТКИ ВИНОГРАДА НА СОДЕРЖАНИЕ ПЕСТИЦИДОВ	27
7.	Xaydarova Nargiza Mo'yidinovna TARIX DARSLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.	31
8.	Қ.М. Каримкулов, Н.Қ.Джўраева, Л.Р.Раджабова АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАРНИ ТИФ ТН БЎЙИЧА ТАСНИФЛАШ	34
9.	Ergasheva Surayyo Abduraximovna BOSHLANG'ICH MATEMATIKA FANINI QANDAY O'QITGAN MA'QUL?	38
10.	Qurbonova Dildora Axmedovna XOTIN-QIZLAR SPORTI DAVLAT SIYOSATINING USTUVOR YO'NALISHLARIDAN BIRI	40
11.	Abdusattorova Muxtasar Jaxongir qizi MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA BOLALAR BILAN SURATLAR ORQALI SUHBATLAR O'TKAZISH USULLARI.	43
12.	Akbarova Hilola Xusanovna Nazarova Dilfuza Kimsanboy qizi O'QUVCHILARNING MUSTAQIL VA IJODIY FIKR YURITISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHDA MASALA VA MASHQLARDAN FOYDALANISH	48
13.	Dilafruz Nu'monova Mohirjon qizi, Umidjon Qo'ziyev Yandashaliyevich ANTHROPONYMS IN THE WORK "NAVODIR UN-NIHOYA" APPLICATION. LINGUOSTATISTICS OF ANTHROPONYMS	54
14.	Ahmadjonova Sayyora Abdulkayevna HOW TO TEACH MIXED ABILITY STUDENTS?	57
15.	Urazova Dilfuza Abdurahmanovna USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO STUDENTS WITH MULTIMEDIA RESOURCES	60
16.	G'opirova Nozima Boxodirovna IJTIMOIY - PERTSEPTIV TRENINGLAR ASOSIDA MEHNAT JAMOASINING	63

# БАДИЙ АДАБИЁТ - БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Хайитгул Музаффарова  
Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси

Отабек Исматуллаев  
Дефектология йўналиши III – курс талабаси

**Аннотация:** Мақолада мактабгача тарбия ёшидаги болалар нутқининг ривожланишида бадий адабиётнинг муҳим хусусиятлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, тарбиячилар машғулотларида кичкинтойлар қалбида бадий китобга нисбатан ҳавас уйғотиши ва уларнинг китобхонлик саводини, китобхонлик маданиятини ошириши юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилган.

**Калим сўзлар:** Мактабгача таълим, интеллектуал, нутқ, лугат, бадий адабиёт, сўз санъати, қаҳрамон, эртак, ҳикоя, шеър, топшимоқ, тез айтиши.

## ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ДЕТСКОЙ РЕЧИ

**Аннотирование:** В статье рассматриваются важные особенности художественной литературы в развитии речи у дошкольников, а на уроках педагогов обсуждается, как пробудить интерес детей к художественной литературе в сердцах детей и повысить их грамотность чтения, культуру чтения.

**Ключевые слова:** дошкольное, интеллектуальное, речь, словарный запас, художественная литература, художественное слово, герой, сказка, рассказ, поэма, загадка, быстрое рассказывание.

## FICTION AS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF CHILDREN'S SPEECH

**Annotation:** The article discusses the important features of fiction in the development of speech among preschoolers, and teachers' lessons discuss how to arouse children's interest in fiction in the hearts of children and increase their reading literacy, reading culture.

**Keywords:** preschool, intellectual, speech, vocabulary, fiction, hero, fairy tale, story, poem, riddle, quick storytelling.

Мамлакатимиз келажаги бугун мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган фарзандларимизга, уларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишишларига боғлиқ. Мактабгача таълим нафақат узлуксиз таълимнинг пойдевори, қолаверса ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантирувчи биринчи поғона ҳамдир. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни қанчалик юқори савияда ташкил этилса, тарбияланувчи болалар, шунчалик таълимнинг кейинги босқичларида қийинчиликларсиз муваффақият қозона олишларига имконият яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сонли «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишда ҳар бир педагог маъсулдир.

Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг

малака даражасини юксалтириш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Боланинг тўлақонли ва баркамол ривожланган шахс бўлиб шаклланиши учун у оилада, таълим тарбия муассасасида, маҳаллада бахтлилик, севги, тушуниш муҳитида ўсиши муҳим. Бу айниқса алоҳида ёрдамга муҳтож, ривожланишида нуқсони бўлган бола учун зарурдир. Чунки бундай бола ўзининг яқинлари томонидан алоҳида эътибор, ёрдамга муҳтож бўлади. Бола шахсининг ҳар томонлама ривожидида нутқнинг аҳамияти катта. Агар бола янги, аниқ таассуротлар олиб турмаса, унинг ҳаракатлари ва нутқининг ривожланиши учун зарур шароит яратиб берилмаса, унда боладаги жисмоний ва руҳий ривожланиш орқада қолади. Демак, нутқнинг тўғри таркиб топиши атрофдагилар нутқига, нутқий тажрибага, тўғри нутқ муҳити ва таълим-тарбияга боғлиқ. Лекин баъзи сабаблар туфайли бола нутқи ривожланиши сустрешади, орқада қолади.

Мустақил мамлакатда ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдек шарафли ва маъсулиятли ишда таълим тарбия тизимининг бошланғич босқичи бўлган мактабгача таълим тарбия муҳим ўрин тутди.

Нутқ ҳақида сўз борар экан, нутқ боланинг руҳий ҳаётида муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлашимиз лозим. Мактабгача тарбия ёши болаларнинг нутқини фаол эгаллаш даври ҳисобланади. Бу даврда болалар нутқининг ривожланиши уларнинг фаолияти мулоқоти билан узвий боғлиқ. Бола жумлаларнинг мазмуни ва шаклидаги ўзгариш унинг мулоқот шакллари ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола нутқининг ривожланишидаги муҳим хусусият нутқ тафаккур куролига айланишидан иборат. Боланинг сўз-луғат бойлигининг ўсишида икки муҳим томони миқдор ва сифат томони мавжуд. Луғат бойлигининг миқдорий ўсиши Д.Б. Элконининг таъкидлашича бола тарбияланиб

ўсаётган оиланинг ҳаёт шароити ва тарбияланиши хусусиятига боғлиқ.

Давлатимиз Ўзбекистон келажагини куришда асосий иштирокчи бўлмиш болаларни юксак маънавиятли этиб тарбиялашга алоҳида этибор бермоқда. Жумладан, биринчи президентимиз И.Каримовнинг "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарида: "Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди,"- деган сўзлари мактабгача таълим муассасалари фаолияти учун бевосита тааллуқлидир.

Ёш авлодни жисмоний, ақлий ва маънавий баркамол, ижтимоий фаол шахс сифатида тарбиялашда бадиий адабиётнинг ўрни бекиёс катта. Айнан ана шу бадиий адабиётлар, яъни эртак, ҳикоя, ривоятлар билан таништириш жараёнида болаларнинг монологик (боғланишли) нутқи таркиб топади.

Бадиий адабиёт инсон руҳиятига таъсир этиш омилидир. Бадиий адабиёт машғулотида кўзда тутилган асосий мақсад - кичкинтойлар қалбида бадиий китобга нисбатан ҳавас уйғотиш билан бирга, уларнинг китобхонлик саводини, китобхонлик маданиятини ошириш ҳам кўзда тутилади.

Бунинг учун болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, куйидагиларга: бадиий асарларда акс эттиралаётган аҳамиятга молик ғояларни теранроқ тушуниш; қаҳрамонлар хулқ-атворини таҳлил этиб, яхши ва ёмон жиҳатларини фарқлаб, мустақил баҳо бериш; мантиқли фикрлаш: фикрларини эркин, равон баён этиш кўникма ва— малакаларини пайдо қилиш, шакллантириш ва ривожлантириб боришга алоҳида аҳамият берилди. Албатта, бу мақсадни амалга

ошириш-анча мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёнлир.

Халқимизда, "Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил" деган ажойиб мақол бор. Табиийки, дарахт ниҳоллигидан парвариш қилинмаса, у ёввойилашиб, ғовлаб кетади, демак ҳар бир иш ўз вақтида бошланса, кутилган натижага эришиш муқаррар. Тарбиячи ва устозлар, ота-оналар эзгу мақсадларини амалга оширишни кечиктирмай, вақтида бошласалар, бу йўлда ўз билим ва малакаларини, маҳоратларини тинмай ошириб борсалар самарали натижаларга эришилади. Тарбиячи ва устозлар бадиий адабиёт машғулотида самарадорлигини оширишда ва бадиий асар таҳлилида куйидаги вазифаларни ҳал этишлари талаб этилади: бадиий асар мағзига сингдирилган асосий мақсадни аниқлаш; асар қайси жиҳатлари билан болани фикрлашга ундамоқда; асар қаҳрамонларининг ўзаро суҳбати; қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг сабаб ва оқибатларига алоҳида эътибор қаратиш; бадиий тасвир воситаларини (қаҳрамонларнинг қиёфаси, табиат тасвири; жонлантириш; ўхшатиш) аниқлаш; асар жанри (эртак, ҳикоя, шеър) бўйича фарқларга болалар эътиборини қаратиш, тушунчаларини мустаҳкамлаш; бадиий асар воқеалари асосида мантиқли саволлар тузиш; бадиий асар бўйича суҳбат-мунозара ташкил этиш; асар ғоясини очишда хизмат қилувчи мақол, ҳикматли сўз ва топишмоқлардан фойдаланиш; болаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириш усулларини излаш (бадиий асар воқеаси ёки қаҳрамонлар саргузаштини давом эттириш, мустақил эртак, ҳикоя ёки шеър, топишмоқ ва тез айтишлар тўқиш в.б.); асар бўйича ижодий фикрлашни давом эттириш (болалар иштирокида эртак ва ҳикояларни саҳналантириш; кўғирчоқ театри кўйиш; театрға саёҳат уюштириш; меҳнат, тасвирий фаолият, мусиқа машғулотида мавзуни

мустаҳкамлаш ва бошқалар); китоб жавонига янги китоб ва расмлардан кўргазмалар ташкил этиш.

Шунингдек, тарбиячилар ҳар бир машғулот аввало бола учун ташкил этилаётганлигини ёдда тутишлари лозим. Гуруҳдаги ҳар бир болага алоҳида эътибор бериб, қалбига қулоқ тутиши, улар томонидан айтилаётган жавобларни, билдираётган фикрларини диққат билан тинглаши, оқилона муносабатда бўлиши, уни самимият билан қўллаб-қувватлаб бориши кискаси, кичкинтойни шахс сифатида ҳурмат қилиши жуда муҳим.

Маълумки, бадиий адабиёт санъатнинг алоҳида, ўзига хос турларидан бири. Санъатнинг бош вазифаси эса инсон руҳиятига таъсир этиш, қалбини ҳаяжонлантириш орқали уни яхшилик, эзгулик, гўзаллик руҳида тарбиялашдан иборат. Мактабгача таълим муассасаларида бадиий адабиётга бағишланган машғулот жараёнида сўз санъатининг бу бош вазифасини ҳам унутмаслик лозим. Мамлакатимиз мустақилликка эришиши туфайли барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар узлуксиз таълим тизимига ҳам тегишли бўлиб, мактабгача таълим зиммасига алоҳида мажбурият юклайди. Маълумки, болаларни мактабга тайёрлашда она тили муҳим ўрин тутди. Она тилини ўрганиш нарса ва ходисаларни идрок этиш, ўзини қизиқтирган масалалар тўғрисида фикр юритиш, ўйлаш, нутк

ўстиришни ривожлантиришга ёрдам беради. Товуш ва сўзни тўғри талаффуз этиш бола шахсининг шаклланишида катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Шу сабабдан она тилини ўрганишга оид машғулотлар жараёнида мактабгача ёшдаги болалар (6-7 ёш) нутқини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Ҳозирги замон талабларига мувофиқ мактабгача катта ёшдаги болалар адабий талаффуз меъёрларига биноан ўз луғатидаги барча товуш ва сўзларни аниқ ва тиниқ талаффуз этиб, урғуларнинг тўғрилигига риоя қилмоғи лозим. Тадқиқотчилар ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг фикрларига кўра мактабгача катта ёшдаги болаларда нутқ шаклланишининг энг қулай шарт-шароитларини аниқлаш мураккаб вазибалардан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда 6-7 ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга янада юқорирок талаблар қўйилмоқда. Бу талабларга жавоб бериш нутқни ривожлантиришга оид янги изланишларни тақозо этади. Шунга кўра 6-7 ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни ўрганиш жараёнида нутқини ривожлантиришнинг самарали йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқишда таянч бўладиган назарий, методик қоидаларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ф.Умарова ва бошқалар. Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим. 2-модуль. Т.: 2011 4.
1. Л.Миржалолова. Болаларни гапиртириб ўйналадиган ўйинларга нутқий жиҳатдан тайёрлаш. Т.: 2005
2. М.Асқарова, Ғ.Қодирова —Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш Т.:—Ўқитувчи 2001 й
3. Қ.Шодиева —Нутқ ўстириш услугиёти Т.: 2008 й
4. Ш.Шодмонова, «Мактабгача таълим педагогикаси» Тошкент-2003.